



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

PEDIATR№ 10 (887)
10-Iyun, Dushanba
2019-yilTOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТАGazeta 1974-yil
mardan chiqsa
boshlagan

БОЛАЛИК БАХТЛИ БЎЛИШГА ҲАҚЛИ

Б.Т. Даминов
ТошПТИ ректори,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгаси
депутати

Ёзнинг илк куни дунёдаги барча болажонларни ҳимоя қилиш куни деб белгиланган. Бу кундан ташқари дунё миқёсида 20 ноябрь – Халқаро болалар куни, 4 июнь – Агрессия курбони бўлган бегуноҳ болалар куни ва 16 июнь – Африка болаларини ҳимоя қилиш куни ҳам болаларга бағишлилангандир.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг болалар саломатлиги ва бахт-саодати учун кураш энг долзарб масалалардан бўлиб қолган эди. 1949 йили Парижда ўтказилган аёллар конгрессида болалар бахтининг ягона кафолати сифатида дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун кураш олиб бориши қасамёдининг сўзлари жаранглайди.

Халқаро болалар кунининг байроғи ҳам мавжуд. Байроқ саҳни яшил бўлиб, ўртада Ер шари атрофида турли: қизил, сарик, кўк, оқ ва қора рангда инсонлар қўринишидаги белгилар мавжуд. Улар турли-туманлик ва бардошлилик тимсолидир. Ер шари белгиси эса – умумий уйимиз. Ҳа, дунёда вазият қанчалик мураккаб бўлишига қарамай, инсоният бе-

гуноҳ болаларнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайди.

Ушбу байрам 1 июнь куни нишонланишига яна бир сабаб 1925 йили Хитойнинг Сан-Франсискодаги бош консули барча хитойлик етим болаларни бир жойда тўплаб, улар учун Дуань-у цзе байрамини ташкиллаштириди. Юзлаб болаларнинг қувончига сабаб бўлган ўша кун 1 июнь санаси эди. Шу боис 1949 йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини айнан шу санада нишонлаш тўғри бўлиши белгиланди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бола ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича биринчилардан бўлиб 1946 йили болалар фонди – UNISEFга асос солган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини жорий этиш қарорини қўллаб-қувватлади.

1989 йили БМТ Ассамблеяси бу борада яна бир муҳим қадам ташлади. Бола ҳукуқларига оид биринчи халқаро ҳукуқий хужжат – Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди.

Ватан равнақи аввало ўсиб келаётган ёш авлод, унинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлик. Бу эса ўз навбатида эътибор ҳар бир шахсга йўналтирилган бўлиши кераклигини, унинг иқтидорини ёшлигидан ривожлантиришга қаратилган

тадбирлар тизимли ташкил этилиши зарурлигини англатади. Бу эса – замон талаби. Бўлажак буюк олим ва ихтирочилар, ёзувчилар ва санъаткорларнинг истеъодд қирраларини очиш, уларни ўстириш, юксак натижаларга эришишлари учун ҳаракат сўнгти йилларда юртимиздаги таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда яққол кўринмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг 5 ташабbusлари, уларнинг бугунги кунда жамият тараққиётида ушбу йўналишдаги ишлари нечоғли муҳим ва долзарблиги очик-ойдин кўриниб турибди. Ҳа, бу йўналишдаги ишлар, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод келажаги учун катта аҳамият касб этади. Китобхонлик, спорт, адабиёт, мусиқа, оиласидаги мухит ва фаровонлик, ота-онанинг моддий таъминоти – буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънавий ва маърифий ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллардир. Бу омиллар сўзсиз баҳтиёр болаликнинг ҳимоясига хизмат қилишади. Чунки Болаларни ҳимоя қилиш куни бу фақатгина қувноқ байрамлар ва учрашувлар ўтказиш бўлмай, болалар баҳтиёр яшashi, ўкиши ва келажакда ўз юртининг етук инсонига айланиши учун улар эга бўлган ҳукуклари ҳақида жамиятга бир эслатмадир.

ХАЛҚАРО ТИББИЙ ТАЪЛИМ ФОРУМИ

Тошкентда Халқаро тиббий таълим форуми бўлиб ўтди.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги йулида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор ва стратегик йўналишларидан биридир ва доимо Мухтарам Президентимиз ва ҳукуматнинг эътибор марказида.

Шунингдек, республикамида тиббий таълим тизими такомиллаштирилмоқда, тиббий таълим тизимини модернизациялаш, ушбу соҳада халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш, талабалар учун маънавий-ахлоқий тарбия тизимини яратиш бўйича катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини яхшилаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Олий таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилнинг якунида пойтахтимизда илк маротаба Ўзбекистон-Россия таълим форуми бўлиб ўтди. Ушбу форумнинг якунида икки мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ўртасида 150 га яқин ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва шартномалар имзоланди. Шунингдек,

форум якунида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ва Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети ўртасида қўшма халқаро дастур ҳамда қўшма халқаро факультетни ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

Икки педиатрия олий таълим муассасалари ўртасида тузилган битим доирасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Режалаштирилган ишлар категорида келажакда маҳаллий тадқиқотчиларни Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университетида таянч докторантурা (аспирантура) дастурлари бўйича тайёрлаш тўғрисида келишиб олдилар. Бундан ташқари, ўзаро манфатдорлик асосида таълим олиш ва барча йўналишлар бўйича илмий

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ва Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир йўналиши амалга оширилмоқда. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ҳамда Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети томонидан таъсис этилган «Yevroosiyo pediatriya axborotnomasi» – «Евразийский вестник педиатрии» деб номланган дунё миқёсидаги янги қўшма тиббиёт илмий-инновацион журналининг биринчи нашри чоп этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи педиатрия олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг мантикий давоми сифатида, 2019 йил 7 июнь куни Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида тиббий

таълим ва педиатрия мавзуларига бағишлиланган «Тиббий таълимда фан ва амалиётнинг долзарб муаммолари» номли Халқаро форум бўлиб ўтди.

Форум дастурида тиббий таълим ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишлиланган тақдимотлар ўрин олган. Форум ишида етакчи маҳаллий ҳамда Россия ва МДҲ давлатларининг мутахассислари иштирок этди. Хусусан, форумда Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети, И.С. Тургенев номидаги Орёл давлат университетининг Тиббиёт институти, Н.И. Пирогов номидаги Россия Миллий тадқиқот тиббиёт университети, Жанубий Қозогистон Тиббиёт академияси, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш малака ошириш институти ва бошқа даволаш-профилактика ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этдилар.

**Хасанходжса Абидов
ТошПТИ матбуот комиби**



стажировка ўтиш мақсадида аспирантлар, докторантлар ҳамда ёш олимлар алмашинувини йўлга қўйиш ҳам бор.

Бугунги кунда таълим ва фан мамлакатимизнинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболларини белгилайдиган ва давлатимизнинг рақобатбардошлигини оширишга таъсир қўрсатадиган энг муҳим устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам заманавий тиббий таълим муассасасига фундаментал илм-фан ресурслари ва амалий тиббиётнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш асосида янги иш шаклларини жорий этиш зарурлигини аниқлайдиган жиддий вазифалар қўйилмоқда.

МУСОҲАБА ЭТАДИ ДАВОМ....

Aziz Toшмуҳамедов

1. Илмга қизиқишингиз нимадан бошланган?
2. Мавзунингизни аҳамияти нимадан иборат?
3. Диссертация ишингизнинг янгилиги нимада?
4. Диссертация ишингизнинг инновацион янгилиги ҳакида сўзлаб беринг.



1. Менда илмга қизиқиши болалик давридан бошланган. Бунда оиласиздаги мухит, бувам ва ота-онамнинг роли каттадир. Менинг ота – онам илмнинг инсон ҳаёти учун тутган ролини нақадар юкорилигини болалигимдан таъкидлашган. Илмнинг барча тури жамият ривожи учун муҳимдир. Айниқса тиббиёт илмининг тутган ўрни бекиёсdir. Мен болалик давримданоқ кўз шифокори бўламан, деб олдимга аниқ мақсад кўйғанман. Мактабни битирганимдан сўнг орзуим амалга ошиб, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига имтиёзли равишда ўқишига кирдим. Тарабалик йилларимда хар бир фанни максимал равишда ўрганишига ҳаракат қиласардим. Мен фундаментал ва клиник фанларни тўлиқ ўзлаштириш билан чегараланиб қолмай, тез ривожланаётган даврда чет тили ва информацион технологияларни юксак даражада

билиши шарт эканлигини тушунардим. Институтдаги устоз ва мураббийлардан олган билимлар билан бир каторда ўз устимда мустақил ишлардим. Сўнг офтальмология йўналиши бўйича магистратурага ўқишига кирдим ва имтиёзли диплом билан тутатиб, кафедрада ўз меҳнат фаолиятимни бошладим. 2019 йил январь ойидан ТошПТИ таянч докторантурасида таҳсил олмоқдаман.

2. Замонавий офтальмологиянинг актуал муаммолардан бири бу -кўрлик ва кўзи ожизликка олиб келувчи кўзнинг шишасимон тана ва тўр парда касалликлари (вitreoretinal патологиялар) хисобланади. Витреоретинал патологияларнинг энг илғор даволаш усули витрэтомия хисобланади. Лекин витреоретинал жарроҳликда ечиш лозим бўлган муаммолар талайгина. Менинг илмий иш мавzuим шу муаммоларни аниқлаб, уларнинг

келиб чиқиши сабаблари, бартарафи этиш ва даволаш йўлларини такомиллаштиришга багишланган.

3. Диссертация ишингизнинг янгилиги – асоратланган витреоретинал патологияли беморларда (иккиласмичи офтальмогипертензия, кўз қон томир қавати ва боғлов аппарати туғма нуқсонлари, ҳамда посттравматик афакия ҳолати) мавжуд даволаш усусларининг санаадорлигини ошириш ва шу беморларнинг реабилитация муддатини кисқартиришдан иборатdir.

4. Диссертация ишингизнинг инновацион янгилиги-илмий изланишлар натижасида витреоретинал патологияли беморларда витреоретинал жарроҳликнинг санаадорлигини янада ошириш учун босқичли даволаш алгоритмини ишлаб чиқиши ва унга Ўзбекистон Республикасининг Интелектуал мулк агентлигидан маҳсус патент олиш.

IMTIYOZLARDAN FOYDALANIB

O‘zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti Islom Abduga‘nievich Karimov tomonidan 2012-yil 31-maydagи O‘zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o‘tab bo‘lgan fuqarolarga imtiyozlar berilishi imzolandi. Bugun har tomonlarda barkamol avlodni voyaga yetkazishga qaratilgan davlat siyosatida yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash ustuvor ahamiyat kasb etadi. Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 4 apreldagi «O‘zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari safida muddadli harbiy xizmatni o‘tab bo‘lgan fuqarolarga

imtiyozlar tizimini takomillashtirishga oid qo‘sishimcha chora tadbirdar tog‘risidagi qaroriga o‘zgartirishlar kiritish haqida»gi qarori ayni yo‘nalishdagi sa'y – harakatlarning amaliy ifodasi bo‘ldi. Men ham 2016-2017-yilda muddatli harbiy xizmatni o‘tab, O‘zbekiston Respublikasi Umumharbiy nizomlari va talablari, Jangovar va ma’naviy-ma’rifiy tayyoragarlik mashg‘ulotlardan yuqori natijalarga erishib, harbiy tawsiyanomaga ega bo‘ldim va shu imkoniyatlardan foydalangan holda hozirda Toshkent Pediatriya tibbiyat institutida tahsil olmoqdaman. Men Prezidentimizning joriy yil 4-aprelda



imzolangan qaroridan behad quvondim. Chunki bu imtiyozlar harbiy xizmatni o‘tab tavsiyanomaga ega bo‘lgan biz kabi yoshlarning yorug‘ kelajagini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Davron Xaydarov

КУРСДОШЛАР УЧРАШУВИ



Талабалик даврим ўтиб ўз фаолиятимизни бошлаганимиздан сўнг дўстларимиз билан кўришишга анча вақтгача имкон бўлмади. Йиллар ўтиб 10 йил деганда учрашув бўлди, шунда ҳам ҳамма кела олмади, 15 йиллик, 20-25-30 йилликлар ўтди. 800 дан ортиқ талабалардан қанчалари орамиздан кетишли. Бу йилги учрашув 35 йиллик бўлиб, Самарқанд шаҳрида 27 апрель куни бўлиб ўтди. Учрашувни ташкилотчиси, бизнинг ОХТА кафедрамиз доценти К. Дехқонов бўлиб, 200дан ортиқ собиқ талабаларни нафақат Тошкентдан, Россиядан, Қирғизистондан, Қозогистондан, Тожикистондан, Кримдан, Туркманистондан, Қорақалпоғистондан, Туркиядан таклиф этишли ва улар шу кунга етиб келишли.

Мен танимаганларимнинг айримларига – «хой бола, кимлигингни айт» – деб сўрадим ва айримларини поток старостаси М.Н. Агзамовага мурожаат килиб – «бу ким?» – деб сўраб суринтириб олдим. Маҳмудага койилман, ҳаммаларини исми шарифи у ёқда турсин гурухларигача айтиб бердилар. Ажойиб. Улар мени яхши эслаб қолишган экан, оstonадан югуриб келиб: «Рихси опа, сиз ҳам келар экансиз, а,» – деб кўришишли. Ҳамманинг хурсандчилиги бир олам, бир-бирларига тўйишмайди, гаплари кўп, ҳамма келгандар гаплашиб, кўнгиллар осмон баробар кўтарилиб борлигимизга, ҳаётлигимизга, ўз ўрнимизда фаолият кўрсатаётганимизга оллоҳимга ҳамду-санолар, шукроналик билдирилар. Қўидаги лавҳалар бизнинг столимиздан.

Бу учрашувни биринчи галда Ўзбекистонниг биринчи Президент

ти И.А. Каримовнинг зиёратидан бошлаган бўлсак ҳам, ташкиллаштирувчилар ресторанда ҳам ўтгандаримизни ҳаммасини ёд этиб, домла чакиритириб, уларга куръон тиловат қилдиришдан бошлаб бердилар, сўнгра ўзбекимнинг асосий тўйлари рамзи карнай – сурнай навосидан бошланди ва бошқа ансамбллар иштирок этишли. Учрашувимизда турли хонандаларимиз ўз чишилари билан бизларни жуда хушнуд қилишли. Кун бўйи бирга бўлган бўлсак ҳам, кўчага чикиб янга бир соат хайрлашдик.

Мени ўғлим олиб борган эди, уйга келиб «Ресторан тўла одам ва уларни ўртоқлари катта- катта хотинлар ва эркаклар 1соат хайрлашишдия», – деб хайратланиб, уйимдагиларга гапириб берди. Мен эса кулиб ўтирап: «Эҳ сен болам, мендан нималар ўтганини билсанг эди, бу менинг ёшлигим, студентлигим, олтин даврим», – деб ўтиредим.

**R. Азизова. M. Агзамова.
M. Мухитдинова.**

Маълумки, 2019 йилнинг 29 мартада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Халқ шоири Ибройим Юсупов, Халқ ёзувчи Тўлепберген Қайипбергенов, таникли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таваллудларининг 90 йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора тадбирлар режаси тасдиқланган эди.

Шу муносабат билан 17-май куни Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг кичик мажлислар залида Ўзбекистон Қаҳрамонлари

БУЮКЛАР ХОТИРАСИ

– Халқ шоири Ибройим Юсупов, Халқ ёзувчи Тўлепберген Қайипбергенов, таникли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таваллудларининг 90 йиллигига бағишлиланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни институтнинг Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Муборак Аҳмедова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг илмий ходимлари филология фанлари номзоди Марҳабо Қўчқарова «Тўлепберген Қайипбергеновнинг ҳаёти ва ижо-

ди ҳақида», шу институтнинг таянч докторантини Анвар Алламберганов «Ибройим Юсупов шеъриятининг ўзига хослиги» мавзусида маърузалар қилишли.

20-май куни эса таникли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг невараси адабиётшунос Шахноза Тўйчиева эса бобоси ҳақидаги илиқ хотиралари билан ўртоқлашди, талабаларни қизиқтирган саволларига жавоблар қайтарди.

Тадбир йиғилганларда катта таассуротлар қолдириди.

Гуландон Курамбаева

PEDIATR

САХОДАЛИК – ТУМАН ЙОЛСИ
ЕВРОПА – ВОЛГОГРАД – ЮГОСЛАВИЯ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ
ЖАМОАСИ НАШРИ
ОРГАН ТРУДОВОГО
КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО
МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА

Таҳрир кенгаши:
Д.А. Асадов, А.В. Алимов,
Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова,
А.И. Искандаров, К. Ҳайтов,
Т.С. Аъзамхўжаев,
А. Валиев, А.А. Кудайбеганов,
Б.М. Таджиев,
С.С. Гулямов, Г. Усманова
Нашр учун масъул:
Г. Ашурова

Бош мухаррир:
Б.Т. ДАМИНОВ
Таҳрир ҳайъати:
(иши гуруҳ)
Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева
(Бош мухаррир ўринбосари),
А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова,
С.А. Бегмонов, А. Носиров, З.
Каримова, А. Худайбердиев

Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошкармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинган.

Манзил: 700140, Тошкент-140,
Богишамол кўчаси, 223

Cho'lporon nomidagi NMU техник ва дастурий воситалари базасидан чоп этилди.
Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30.
-буюртма. Адади 100 нусха.

Газета институт хисобидан нашр этилади
ва белуп таркилади.